



**МАМЛАКАТ АҲОЛИСИНИНГ МОЛИЯВИЙ
САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИШДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ
СОҲАСИДА ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ
ЙЎЛЛАРИ**

Олтаев Ш.С. – СамИСИ доценти, и.ф.н.

***Аннотация.** Мақолада халқаро иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши ва ташиқи савдо фаолиятини самарали ташиқил этишида божхона сервисининг ўрни ва аҳамияти таҳлил қилинган. Миллий валюта барқарорлиги, капиталлар ҳаракати ва молиявий ресурсларни самарали тақсимлаш жараёнларида божхона маъмуриятчилигини такомиллаштиришининг иқтисодий аҳамияти асослаб берилган. Шунингдек, Ўзбекистонда божхона хизматларини рақамлаштириш, электрон божхона сервиси, хавфни бошқариш тизими ва “ягона дарча” тамойили асосида амалга оширилаётган ислохотлар таҳлил қилинган. Мақолада божхона сервисининг ташиқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун вақт ва харажатларни қисқартиришдаги роли ҳамда рақобатбардош иқтисодиётни шакллантиришдаги аҳамияти очиб берилган.*

***Калит сўзлар:** божхона сервиси, ташиқи иқтисодий фаолият, молия бозори, рақамли иқтисодиёт, божхона маъмуриятчилиги, электрон декларациялаш, халқаро савдо.*

Халқаро иқтисодий алоқаларнинг барқарор ривожланиши, халқаро молия бозорига самарали интеграциялашув, давлатлар ўртасида капиталлар ҳаракатининг, шу жумладан, инсон капиталининг фаол алмашинуви, молиявий ресурсларнинг самарали тақсимланиши бошқа омиллар билан бир қаторда, мамлакат миллий валюта курсининг барқарорлигига ҳам боғлиқдир.

Молия бозори - бу жамиятдаги молия хизматлари бозоридир, яъни бу молиявий маблағларни вақтинча ҳақ тўлаб ишлатиш ёки уларни сотиб олиш юзасидан бўлган муносабатлардир.



Бозор муносабатлари шароитида мамлакат ва унинг иқтисодий минтақаларида ижтимоий-иқтисодий барқарор ривожланишини таъминлашнинг ва мамлакатимизни иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлишнинг асосий омили ташқи савдо даражаси ҳисобланади. Бунинг учун республикамизда сифатли божхона хизматларини яратиш инновацион юқори технологик ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш даражасига боғлиқ.

Ҳозирги жаҳон иқтисодиётини глобаллашуви даврида инсон омилини капиталлашувини таъминлаш нафақат олий таълим тизимини унинг талаблари асосида ривожлантириш билан балки уни жаҳон иқтисодиёти даражасида зарур бўлган ахборотлар билан таъминлаш ва коммуникацион шароитлар яратиш билан боғлиқ. Чунки XXI аср бутун дунёда ўзаро мамлакатлар бозорини боғлиқликлари асосида ягона умумиқтисодий бозорни шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқ. Ана шу ягона иқтисодий бозорни шаклланиши республикамиз олий таълим хизматлари бозорини жаҳон олий таълим хизматлари бозори билан ўзаро боғлиқликда ривожланишини талаб этади.

Бозор иқтисодиёти шароитида мамлакатларда олий малакали мутахассисларни тайёрлаш олий таълим хизматлари бозорида рақобатни кучайтиради. Рақобат олий малакали мутахассисларни тайёрлаш сифатига ўз таъсирини ўтказди. Бу ўз навбатида олий малакали рақобатдош мутахассисларни тайёрлаш учун умум таълим тизимини узлуксиз ривожланишини ва малакали мутахассислар тайёрлашни шахсни ривожлантириш концепциясига ўтишни талаб этади.

Умуман олганда, божхона сервис - бу божхона тизимининг алоҳида шакли бўлиб, ҳаётда ва бозор иқтисодиётида маълум бўлган хизматларни келишилган ҳақ эвазига қабул қилиб компенсациялашдан иборат фаолият тури ҳисобланади.

Шундай қилиб, божхона сервис компаниялари умуман ҳаётда ва иқтисодиётда, қуйидаги ролларни бажаради: биринчидан, рисксизликни таъминловчи молиявий институтлар; иккинчидан, молиявий ресурслар



аккумуляторы, йирик инвестициялар манбаи; учинчидан, институционал инвестор (белгиланган тартибда); тўртинчидан, қимматли қоғозлар эмитенти (белгиланган тартибда).

Божхона соҳасида ахборот бериш ва маслаҳат бериш каби давлат хизматига алоҳида тўхталиб ўтиш керак. Биринчидан, ушбу хизмат иккита мустақил хизматни ўз ичига олади: божхона иши соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида ахборот бериш ва божхона иши ва божхона органларининг ваколатига кирадиган бошқа масалалар бўйича маслаҳат бериш. Ушбу хизматлар турли хил мазмунга эга, аммо ҳуқуқий моҳияти ва тақдим этиш тартибининг яқинлиги туфайли улар бир хизматга бирлаштирилган.

Юқори ривожланган мамлакатларда хизматлар истеъмолининг ривожланиши XX- асрнинг муҳим воқеасидир. Хизматлар истеъмоли моддий неъматлар истеъмолидан устун кела бошлайди.

Глобаллашув жараёнларининг кучайиши ва халқаро савдонинг фаоллашуви божхона хизматлари соҳасини шакллантиришни долзарб қилади. Божхона сектори иқтисодий жиҳатдан энг муҳим соҳалардан биридир. Яқин вақтгача у давлат билан фақат утилитар нуктаи назардан, бюджетни тўлдиришнинг асосий манбаларидан бири сифатида манфаатдор эди. Ва фақат мамлакатнинг жаҳон иқтисодий маконига фаол интеграциялашуви бошланиши билан давлатнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш вазифаси пайдо бўлди. Ахборот очиқлиги, маҳаллий бизнеснинг турли бўғинларининг шаффофлиги учун кураш божхона соҳасига ҳам ўз таъсирини ўтказди.

Ташқи савдо билан шуғулланувчи ташкилот учун божхона инфратузилмасининг ихтисослаштирилган ташкилоти — божхона вакили (тўлиқ аутсорсинггача) фаолиятининг божхона сегментини ишониб топшириш кўпинча осонроқ, самаралироқ ва тежамкор бўлади. Зеро, божхона тартиб-таомиллари анча мураккаб ва кўп вақт талаб қилувчи бўлиб, бунини фақат



божхона расмийлаштируви бўйича юқори малакали мутахассислар амалга ошириши мумкин.

Божхона хизматларига бўлган эҳтиёж, агар ташкилотда божхона операцияларини амалга ошириш учун ихтисослаштирилган бўлинма мавжуд бўлмаса, пайдо бўлади. Бироқ, бундай эҳтиёж компаниянинг ихтисослашган бўлинмасига эга бўлганда ҳам пайдо бўлади, масалан: доимий равишда маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва асосан ташқи бозор (экспорт) учун ишлайдиган корхона янги импорт қилинган ускуналарни сотиб олишдан ва уни ўз номига рўйхатдан ўтказишдан манфаатдор бўлса.

«Божхона сервис» тушунчасини ҳам кенг, ҳам тор маънода кўриб чиқиш мумкин. Кенг маънода божхона сервиси божхона фаолияти кўринишидаги ижтимоий ва иқтисодий хизмат: божхона тартибга солиш ва назорат қилишдир. Бу давлатнинг иқтисодий хавфсизлигини ҳимоя қилиш, миллий иқтисодиёт манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ ва мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантиришга қаратилган алоҳида турдаги хизматлардир.

Тор маънода божхона сервиси ташқи савдо фаолияти иштирокчиларига экспорт- импорт операцияларини амалга оширишда, шу жумладан божхона инфратузилмаси, божхона воситачилари, хориждаги божхона вакиллари орқали ёрдам беришдир. Муайян ҳолатда — божхона соҳасида ахборот бериш ва маслаҳат бериш шаклида. Ушбу тушунча билан божхона хизматларини, масалан, божхона маъмуриятчилиги жараёнида кўрсатиладиган ҳуқуқни муҳофаза қилиш, молиявий-иқтисодий, ахборот-таҳлилий ва бошқа турдаги хизматларнинг маълум бир тўплами билан кўпроқ таърифлаш мумкин.

Замонавий шароитда ташқи савдо иштирокчиси учун деярли ҳар қандай божхона хизмати пировардида унинг товарларини божхона расмийлаштируви ва назорат қилиш вақтини қисқартиришга қаратилган. Тегишли хизмат кўрсатиш учун маълум божхона тартиб-қоидалари ва операцияларини бажариш керак. Ҳар қандай божхона процедураси бошланиши, давоми ва



тугаши каби хусусиятларга эга. Бу жараённинг тартиби. Бинобарин, хизматнинг моҳияти божхона тартиб-таомиллари ва операцияларини амалга ошириш жараёнида ташқи иқтисодий фаолият иштирокчисининг моддий объектига (ёки унинг товарларига) инструментал таъсир кўрсатиш жараёнида, умумий ҳолатда эса — божхона технологиясида намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-5414-сонли ҳамда 2018 йил 24 ноябрдаги «Божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ-5582-сонли Фармонларига мувофиқ:

Товарларнинг божхона назоратини танлов асосида ўтказишни назарда тутувчи хавфни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими ишлаб чиқилиши ва жорий этилиши юзасидан вазифа берилди. Фармойишларга асосан «Хавфни бошқариш» автоматлаштирилган ахборот тизими 1 декабрдан амалиётга киритилган. Ушбу дастур, Божхона назорати ҳажмини камайтириш мақсадида киритилган профиллар асосида ёки тасодифан йўлақларга ажратиш, божхона назорати ва расмийлаштирувига сарфланадиган вақтни қисқартириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган.

Божхона терминалларидаги давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг асосий функциялари «ягона дарча» тамойили асосида божхона, банк, логистик, тезкор- лаборатория, фитосанитар, ветеринар, санитар-эпидемиологик, экологик, сертификатлаштириш, шу жумладан давлат-хусусий шериклик асосида бошқа хизматлар кўрсатадиган замонавий логистик марказларни ташкил этиш бўйича вазифалар қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 2020 йил 5



июндаги ПФ-6005-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, божхона аудитини амалга ошириш тартибини белгилаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 25 февралдаги «Божхона аудитини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 101-сонли қарорига мувофиқ:

Давлат божхона кўмитасига божхона назорати шакли сифатида товарлар чиқариб юборилгандан кейин ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари фаолиятини баҳолаш ҳамда уларнинг товарлар ва транспорт воситалари чиқариб юборилгандан кейинги ҳисобини текширишни назарда тутувчи божхона аудитини амалиётга татбиқ қилиш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда божхона маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш, Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари иш фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш, миллий қонунчиликка халқаро стандартлар ва тавсияларни имплементация қилиш, шунингдек, божхона ва юк операцияларини амалга оширишда рақамли технологиялардан фойдаланиш борасида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилди: биринчидан, божхона расмийлаштирувида соддалаштирилган тартиб-қоидаларнинг кенг жорий этилиши натижасида ўртача вақт сарфи экспортда 2,4 бараварга, импортда 1,5 бараварга қисқарди; иккинчидан, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишдаги бюрократик тўсиқларнинг бекор қилиниши тадбиркорлик субъектларига кенг имкониятлар яратди; учинчидан, миллий қонунчилик Жаҳон божхона ташкилотининг стандартлари ва тавсияларига мувофиқлаштирилди, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Божхона тартиботларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш тўғрисидаги Киото конвенциясига қўшилди; тўртинчидан, товар ва транспорт воситаларини «ялпи» божхона назоратидан ўтказиш тартиби бекор қилинди ҳамда уларни танлов асосида божхона назоратидан ўтказишни назарда тутувчи хавфларни бошқариш тизими жорий этилди; бешинчидан, ваколатли иқтисодий



операторлар институти жорий этилди; олтинчидан, божхона расмийлаштируви ва товарларни чиқариб юбориш вақти бир неча мартага қисқартирилди; еттинчидан, чегара божхона постларини жаҳондаги илғор ишлаб чиқарувчиларнинг замонавий инспекцион-кўрик мажмуалари билан жиҳозлаш амалга оширилди.

Бу ҳолатда хизмат ҳам шундай таъсир натижаси сифатида тавсифланиши мумкин. Киритилган таърифларни ҳисобга олган ҳолда, бундай хизмат ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиси учун фойда ҳисобланади, чунки у унинг йўқотишларини камайтиради.

Божхона хизматларининг сифати — ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларининг эҳтиёжларини қондириш қобилиятини белгиловчи божхона хизматлари хусусиятларининг мажмуи (божхона органлари ва божхона иши соҳасида фаолиятни амалга оширувчи шахслар томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар мажмуи).

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Ўзбекистонда ҳам юқорида тилга олинган ривожланган давлатларнинг илғор тажрибалари асосида божхона органлари томонидан ТИФ иштирокчиларига кўрсатилаётган электрон божхона сервиси ривожланиб бормоқда.

XXI аср инновацион технологиялар ва Интернет асридир. Бугунги кунда маълум бир иқтисодиётни ривожланишида ахборот алмашинуви, хизматлар сифати ва ушбу иқтисодиётда мавжуд тизимдаги инсон омили кам бўлган компьютерлашган технологиялари катта аҳамият касб этади. Барча ривожланган ва ривожланаётган давлатлар иқтисодиётида сарф харажатларни камайтиришга, ортиқча қоғозбозликни қисқартириб, маълумот алмашинувини фаоллаштиришга интилоқда. Муайян иқтисодиётни бошқарув тизимининг компьютерлашув жараёни ва ундаги маълумот алмашинуви айнан рақамли иқтисодиётнинг белгисидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш



чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 12 апрелдаги ПФ-5414-сон Фармонида мувофиқ 2018 йил 1 июлдан бошлаб ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари божхона брокерларига мурожаат қилмасдан божхона юк декларацияларини Интернет тармоғи орқали реал вақт режимида тўлдириш ва божхона органларига тақдим этиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган, бироқ бугунги кунда аксарият тадбиркорлар ҳали ҳам божхона юк декларациясини тўлдириш учун божхона брокерлари ва декларантлар хизматига эҳтиёж сезмокда, сабаби божхона юк декларациясини тўлдириш учун уларда етарлича билим ва кўникманинг йўқлиги ҳисобланади. Мазкур жараёнда тадбиркорларни декларациялаш соҳасида билимларини ошириш учун божхона хизмати органлари томонидан Электрон декларациялаш асосларини хоҳловчиларга ўргатиш учун "очиқ эшик" кунларини ташкил этиш ёки мамлакат узоқ ҳудудидаги тадбиркорлар учун онлайн дарсларни ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади, шунингдек товарлар экспортини амалга оширувчи тадбиркорлар учун Европа Иттифоқи ва бошқа хорижий давлатларни божхона қонунчилигини тушунтириб берадиган ўқув семинарлар ташкил этилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Mozer S.V. Digital Customs. WCO Experience: monograph / moscow: Publishing House of the Russian Customs Academy, 2019. 266 p
2. Mozer S.V., Секербаева Д.К. Актуальные вопросы формирования института цифровой (электронной) таможни в Евразийском экономическом союзе // Социально-политические науки (БАК). 2019. № 6. URL: <http://customs-academy.net/?p=13183>
3. Iwona Sawicka, From the WCO drawing board to Customs strategic plans: is the nCEN Programme taking Customs by storm. WCO News 90, October 2019,
4. <https://mag.wcoomd.org/magazine/wco-news-90/ncen/programme>
5. Aksenov I.A. information technology in customs: a textbook. - vladimir, 2016.



6. O'zbekiston respublikasi oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston milliy universiteti iqtisodiyot fakulteti. "Moliya va soliqlar" ma' ruzalar kursi. Toshkent - 2012 yil.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги №ПФ-60 сонли Фармони // <https://lex.uz/>.
8. Armen Manukyan. WCo-UnEsCAP 3rd UnnExT masterclass: Digital Customs and single Windows in the Context of WTo TFA Cheonan, 19-28 April 2017.